



O'zbekiston Respublikasi
Maktabgacha va maktab
ta'limi vazirligi

ISSN: 2992-9008
UDK: 37

TA'LIM VA TARAQQIYOT

Ilmiy-uslubiy jurnali



2026-YIL 4-SON

www.journal.namspi.uz

Bosh muharrir: Namangan davlat pedagogika instituti rektori B.E.Xusanov
Mas'ul muharrir: Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektor M.R.Qodirxonov
Mas'ul muharrir o'rinbosari: Ilmiy tadqiqotlar, innovatsiyalar va ilmiy-pedagogik kadrlar tayyorlash bo'limi boshlig'i J.A.Yuldashev

TAHRIR HAY'ATI

Aniq va tabiiy fanlar: k.f.d., prof. Sh.Abdullayev, f-m.f.d., dots. R.Xakimov, k.f.d., prof. N.Vohidova, k.f.d., dots. M.Qodirxonov, b.f.d., dots. A.Batashov, f-m.f.n., dots., T.Abdullayev, p.f.n., dots. M.Eshnazarova, p.f.n., dots. G'.Nafasov, p.f.n., dots. M.Boltayeva.

Texnika fanlari: t.f.d., prof. A.Umarov, t.f.d., prof. A.Qayumov, PhD, dots. Sh.Xudoyqulov, PhD, dots. Abdunazarov.

Ijtimoiy-gumanitar fanlar: s.f.d., prof. T.Fayzullayev, tar.f.d., prof. A.Rasulov. f.f.d., prof. M.Ismoilov, i.f.d., dots. N.Sotivoldiyev, t.f.n., dots. A.Isoqboyev, f.f.n., dots. O.Mamatov, t.f.n., dots. Z.Haydarov, PhD. J.Yuldashev, PhD. A.Abdullayev.

Pedagogika fanlari: p.f.d., prof. B.Xodjayev, p.f.d., prof. X.Najmiddinova, p.f.d., prof. T.Ismoilov, p.f.d., prof. S.Abdullayev. p.f.d., prof., M.Y.Sobirova, p.f.d., prof., R.Zamilova, p.f.d., prof. Sh.Xujamberdiyeva, p.f.d., dost. M.Asqarova, PhD, dots. M.Asranboyeva.

Filologiya fanlari: fil.f.d., prof. N.Uluqov, fil.f.d., prof. H.Usmanova, f.f.d., dots. X.Shokirova, p.f.n., dots. S.Misirov, p.f.n., dots. Sh.Ubaydullayev, PhD., dots. P.Lutfullayev, PhD., dots. M.Yakubbayev.

Texnik muharrir: R.Tursunov

Tahririyat manzili: Namangan shahri, Uychi ko'chasi, 316-uy.

Pochta indeksi: 160136, **Faks:** (0369) 227-27-21,

Email: Info@namspi.uz

"Ta'lim va taraqqiyot" ilmiy-uslubiy jurnali elektron to'plam sifatida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi **Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi (AOKA)ning 2022-yil 25-oktabrdagi № 045044 raqamli guvohnomasi** asosida chop etiladi. Jurnal **Oliy Attestatsiya komissiyasining 2024-yil 30-noyabrdagi (№ 364/5) yig'ilishi qaroriga asosan pedagogika fanlari bo'yicha falsafa fanlari doktori (PhD) va fan doktori (DSc) ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiya ishlari yuzasidan asosiy ilmiy natijalarini chop etish uchun tavsiya etilgan.** UDK: 37, Xalqaro standartlashtirish raqami (ISSN): 2992-9008.

Maqolalarning ilmiy saviyasi va keltirilgan ma'lumotlar uchun mualliflar javobgar hisoblanadi.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Максуда Умаровна Бадалова

*А. Авлоний номидаги педагогик маҳорат
миллий институти ректор маслаҳатчиси,
и. ф. ф. д. (PhD), dotsent.*

Аннотация: Мазкур мақолада глобаллашув ва рақамли трансформация шароитида мактаб таълими кластери субъектларининг функционал бошқарув тизимини такомиллаштириш масалалари ёритилган. Анъанавий бошқарув тизимларининг камчиликлари таҳлил қилиниб, горизонтал интеграция ва синергетик ёндашувга асосланган тўрт босқичли янги ташкилий модель таклиф этилган. Жаҳон ва миллий олимларнинг тадқиқотлари асосида кластер субъектлари ўртасидаги вазифалар тақсимооти, интеграцион координация механизмлари ҳамда Big Data ва рақамли платформалар ёрдамида бошқарув самарадорлигини ошириш йўллари асослаб берилган.

Калит сўзлар: таълим кластери, функционал бошқарув, интеграцион координация, рақамли трансформация, мактаб таълими, синергетик ёндашув, бошқарув модели, Ўзбекистон таълим ислохотлари.

УЛУЧШЕНИЕ ФУНКЦИОНАЛЬНОЙ СИСТЕМЫ РАСПРЕДЕЛЕНИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ КЛАСТЕРНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В ГЛОБАЛИЗАЦИИ ШАРОИТ

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы совершенствования системы функционального управления субъектами школьного образовательного кластера в условиях глобализации и цифровой трансформации. Проанализированы недостатки традиционных систем управления и предложена новая четырехступенчатая организационная модель, основанная на горизонтальной интеграции и синергетическом подходе. На основе исследований мировых и отечественных ученых обосновано распределение задач между субъектами кластера, механизмы интеграционной координации, а также пути повышения эффективности управления с использованием Big Data и цифровых платформ.

Ключевые слова: образовательный кластер, функциональное управление, интеграционная координация, цифровая трансформация, школьное образование, синергетический подход, модель управления, реформы образования в Узбекистане.

IMPROVEMENT OF THE FUNCTIONAL DISTRIBUTION SYSTEM OF EDUCATION CLUSTER ENTITIES IN THE GLOBALIZATION SHAROIT

Abstract. This article examines the issues of improving the functional management system of school education cluster subjects in the context of globalization and digital transformation. The shortcomings of traditional management systems are analyzed, and a new four-stage organizational model based on horizontal integration and a synergetic approach is proposed. Based on the research of global and national scientists, the distribution of tasks among cluster subjects, mechanisms of integration coordination, and ways to increase management efficiency using Big Data and digital platforms are substantiated.

Keywords: educational cluster, functional management, integration coordination, digital transformation, school education, synergetic approach, management model, educational reforms in Uzbekistan.

КИРИШ

Глобаллашув шароитида таълим тизими жамият тараққиётининг стратегик ресурси сифатида нафақат инсон капитали ривожланишини, балки давлатнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминловчи муҳим институционал омилга айланмоқда. Айниқса, рақамли трансформация, ахборот оқимларининг тезлашуви, меҳнат бозорида компетенцияларга бўлган талабнинг ўзгариши ҳамда халқаро таълим стандартларининг кенгайиши мактаб таълими субъектлари фаолиятини мутлақо янги ёндашувлар асосида ташкил этишни талаб этмоқда.

Бундай шароитда таълим кластерларида анъанавий вертикал бошқарув тизимлари таълим сифатини таъминлаш, муассасалараро интеграцияни йўлга қўйиш ва инновацион фаолиятни мувофиқлаштиришда етарли самара бермаётганлиги кузатишмоқда. Шу боис таълим тизимида кластер ёндашувига асосланган функционал бошқарув моделини жорий этиш долзарб илмий-педагогик муаммо сифатида намоён бўлмоқда. Мақоланинг мақсади — мактаб таълими кластери субъектларининг функционал бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг ташкилий аспекти ва рақамли моделларини илмий асослаш ва ишлаб чиқишдан иборат.

МЕТОДЛАР

Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, синергетик ёндашув, институционал бошқарув концепцияси ва кластер назарияси усулларидан фойдаланилди. Кластер

тушунчасининг назарий асосларини ўрганиш мақсадида америкалик олим М.Портернинг худудий рақобатбардошлик назарияси, рус олимлари А.Н.Асаул ва В.В.Лаптевларнинг билимлар трансфери ва таълим кооперациясига оид қарашлари таҳлил қилинди.

Педагогик жараёнларни тизимлаштиришда Л.С.Выготскийнинг "ижтимоий-маданий ривожланиш назарияси", Ж.Дьюининг прагматик педагогика концепцияси, П.Сахлбергнинг "ҳамкорликка асосланган бошқарув" модели ҳамда И.Нонаканинг билимлар менежментига оид SECI модели назарий-методологик асос сифатида хизмат қилди. Н.Луманнинг ижтимоий тизимлар назариясига таянган ҳолда, таълим кластери ташқи муҳит билан ахборот алмашувчи "очиқ тизим" сифатида лойиҳалаштирилди.

Мазкур назарияларни миллий таълим тизимида трансформация қилишда ўзбекистонлик олимлардан Б.И.Ходжаевнинг умумий педагогика ва тизимли ёндашув концепциялари, Ш.И.Ботированинг педагогик таълим кластери шароитида ўқитиш методикасини такомиллаштиришга оид илмий хулосалари, О.М.Жабборованинг кластер усулида ҳамкорликни ташкил этиш тамойиллари ҳамда Қ.М.Маҳмудовнинг инновацион педагогик таълим кластери субъектларини интеграциялаш моделлари методологик асос сифатида ўрганилди ва умумлаштирилди. Шу асосда таълим кластери субъектлари ўртасидаги вертикал, горизонтал ва тескари функционал алоқалар ҳамда 4 босқичли ташкилий модел ишлаб чиқилди ва тизимли равишда тавсифланди.

НАТИЖАЛАР

Олиб борилган тадқиқот натижасида мактаб таълими кластерининг янги мазмундаги функционал бошқарув модели шакллантирилди. Мактаб таълими кластери — бу таълим муассасалари, маҳаллий давлат бошқаруви органлари, олий таълим муассасалари, илмий марказлар, малака ошириш институтлари, жамоат

ташкilotлари, иш берувчилар ва ижтимоий шериклар ўртасидаги интеграциялашган ҳамкорлик тизимидир.

Функционал бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг ташкилий модели таълим субъектлари ўртасида аниқ функциялар тақсимои ва координация механизмларини белгилашга асосланади. Тадқиқот доирасида субъектлар ўртасидаги функционал алоқалар тақсимои 1-жадвал кўринишида тизимлаштирилди.

1-жадвал

Функционал алоқалар тақсимои

Субъект	Ким билан алоқада?	Ўзаро таъсир мазмуни	Алоқа натижаси
Кластер кенгаши	Барча субъектлар	мақсад, вазифа, қарор ва назорат	Ягона бошқарув қарори
Стратегик бошқарув	Кенгаш, инновация, методик, молия	стратегия → режа → ресурс	Ривожланиш дастури
Илмий- инновацион бўлим	Методик бўлим, педагоглар, илмий муассасалар	инновация → тажриба-синов → натижа	Янги педагогик амалиёт
Ўқув-методик бўлим	Инновация, кадрлар, мактаблар	инновацияни таълим жараёнига жорий қилиш	Таълим сифати
Кадрлар бўлими	Методик, стратегик, мактаблар	кадр эҳтиёжи → малака → касбий ривожланиш	Педагогик салоҳият

Субъект	Ким билан алоқада?	Ўзаро таъсир мазмун	Алоқа натижаси
Молия-иқтисодий бўлим	Стратегик, инновацион, мактаблар	мақсад → ресурс → молиявий таъминот	Ресурс самарадорлиги
Ахборот-таҳлил бўлими	Барча субъектлар	маълумот → таҳлил → индикатор	Далилга асосланган қарор
Ижтимоий ҳамкорлик ва мониторинг	Ота-она, маҳалла, иш берувчи, мактаблар	эҳтиёж → ҳамкорлик → баҳолаш	Ижтимоий самарадорлик

Ишлаб чиқилган модель доирасида субъектлар ўртасида уч хил функционал алоқа тизими ажратилди:

1. Вертикал алоқа —

Кластер кенгаши → функционал бўлимлар → мактаб → педагог.

2. Горизонтал алоқа —

Илмий-инновацион ↔ ўқув-методик ↔ кадрлар ↔ молия ↔ ахборот-таҳлил ↔ ижтимоий ҳамкорлик.

3. Тескари алоқа —

Мактаб/педагог → маълумот ва натижа → ахборот-таҳлил → мониторинг → Кластер кенгаши → коррекцион қарорлардан иборат бўлади.

МУҲОКАМА

Тадқиқотда таклиф этилган функционал бошқарув модели тўрт босқичли ташкилий тузилмага асосланади. Булар: стратегик бошқарув, координацион бошқарув, амалий-ижрочи ва мониторинг-аналитик босқичлардир. Стратегик бошқарув даражасида таълим сиёсати белгиланиб, ривожланиш стратегиялари ишлаб чиқилса, координацион босқичда ресурслар тақсимоти ва инновацион

лойиҳалар мувофиқлаштирилади. Амалий босқич бевосита педагогик технологияларни жорий этиш ва компетенциявий ёндашувни амалга оширишни таъминлайди. Мониторинг-аналитик босқич эса тизимнинг тескари алоқасини таъминлаб, бошқарув самарадорлигини баҳолайди.

Бу мазмундаги функционал алоқаларнинг самарадорлиги айнан “интеграцион координация механизми” орқали кафолатланади. Ушбу механизм стратегик режалаштириш, рақамли ахборот алмашинуви, мониторинг, баҳолаш ва қайта алоқа тизимларини қамраб олади. Анъанавий бошқарувдан фарқли ўлароқ, бу тизим таълим субъектлари ўртасидаги ахборот асимметриясини бартараф этиб, бошқарув қарорларини тезкор қабул қилиш имконини беради.

Тадқиқотчиларнинг (Ш.И.Ботирова, Қ.М.Маҳмудов) фикрига кўра, педагогик кластер фақатгина ташкилий бирлашма бўлиб қолмай, балки умумий мақсад йўлида субъектларнинг "хусусий манфаатдорлигини" таъминловчи синергетик платформа бўлиши зарур. Биз таклиф этаётган моделдаги функционал вазифалар тақсимооти айнан мана шу ички манфаатдорлик ва мажбуриятлар мувозанатини таъминлашга хизмат қилади.

Глобаллашув шароитида рақамли технологиялар ушбу моделнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Шу боис таълим кластери бошқарувининг рақамли моделини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Электрон мониторинг, “Big Data” таҳлили, сунъий интеллект элементлари ва рақамли аналитик платформаларни интеграция қилиш орқали таълим жараёнини реал вақт (real-time) режимида кузатиш ва далилларга асосланган (evidence-based) бошқарув қарорларини қабул қилиш мумкин бўлади.

ХУЛОСА

Глобаллашув ва рақамли трансформация шароитида таълим кластерларида анъанавий вертикал бошқарув тизимлари таълим сифатини оширишда етарли самара бერмаяпти. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган таълим

ислохотлари ҳам бошқарувнинг янги, интеграциялашган усуллари талаб этмоқда. Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган кластер ёндашувига асосланган функционал бошқарув модели таълим тизимини горизонтал интеграция тамойиллари асосида қайта ташкил этиш имконини беради.

Аниқ белгиланган 4 босқичли ташкилий тузилма, субъектлараро функционал вазибалар тақсимооти ҳамда интеграцион координация механизмлари таълим сифатини янги босқичга олиб чиқишнинг муҳим омили ҳисобланади. Рақамли аналитик платформалар ва Big Data таҳлили элементларининг жорий этилиши эса бошқарув қарорларининг тезкорлиги ва объективлигини таъминлаб, таълим кластерининг институционал барқарорлигини кафолатлайди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сон Фармони.
2. Ботирова Ш. И. Ўзбекистонда STEAM таълимни педагогик таълим кластери асосида ўқитиш методикаси. Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Гулистон, 2023. – 62 б.
3. Ходжаев Б. И. Умумий педагогика назарияси ва амалиёти. Дарслик. – Тошкент: Sano-standart, 2017. – 416 б.
4. Жабборов О. М., Умарова З. А. Болалар педагогикаси мазмуни ва уни кластер усулида ўқитиш // Педагогик таълим кластери: муаммо ва ечимлар. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Чирчиқ, 2021. – Б. 74–77.
5. Маҳмудов Қ. М. Педагогик таълимда «кластер» тушунчаси ва унинг амалий аҳамияти // Таълим ва инновацион тадқиқотлар. – Тошкент, 2020. – №3. – Б. 112–117.
6. Портер М. Конкуренция. – М.: Издательский дом «Вильямс», 2005– 608с.
7. Асаул А. Н., Лаптев В. В. Модернизация экономики на основе technological инноваций. – СПб.: Гуманистика, 2008. – 606 с.
8. Выготский Л. С. Педагогическая психология. – М.: Педагогика-Пресс, 1999. – 536 с.
9. Дьюи Ж. Демократия и образование. – М.: Педагогика-Пресс, 2000. – 384 с.
10. Sahlberg P. Finnish Lessons: What can the world learn from educational change in Finland – Teachers College Press, 2011. – 203 p.
11. Nonaka I., Takeuchi H. The knowledge-creating company: How Japanese companies create the dynamics of innovation. – Oxford university press, 1995. – 284 p.
12. Луман Н. Социальные системы. Очерк общей теории. – СПб.: Наука, 2007. – 641 с.